



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 254-257 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### МОЛ-МУЛК СОЛИГИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



**Идирисов Алишер Отажонович,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мол-мулк солиги маъмуритчилигини ташкил этиш, жумладан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиб-қоидалари, шунингдек қўшимча солик базасини яратиш ҳамда мазкур йўналишдаги маъмуритчиликни такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Мол-мулк солиги, солик солиш обьекти ва базаси, солик даври, солик ставкалари, солик имтиёзлари, мол-мулк солигини ҳисоблаб чиқариш тартиби, солик назорати.

#### **Кириш.**

Маълумки, мол-мулк солиги бўйича тушумлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мамлакатимизда фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади. Юртимизда барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистонда ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли эканлиги ҳамда хусусий мулк дахлсизлиги қонун билан кафолатланган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда мулкчилик билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қанча қонун-хужжатлари билан тартибга солинган.

Давлатимиз ҳудудида мулкчиликнинг барча шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун teng шароит яратилишига қонун кафолат беради. Ўзбекистон Республикаси мулқдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва қўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулқдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди<sup>2</sup>.

Юртимизда мулқдан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида қўшимча шарт-шароитлар яратилаётгани натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги 152-XII-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

кўплаб инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Бизнингча, бугунги кунда юртимизда мулқдан оқилона фойдаланишини таъминлашнинг иқтисодий механизмлари яратилган бўлсада, ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Мамлакатимизда мулкчилик соҳасига доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларда иқтисодиётимизнинг негизини турли-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, мулкчиликнинг барча шакларининг teng ҳуқуқлилиги ва қонун билан ҳимоя қилиниши, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги ва хусусий мулк дахлизлиги қонунчилик билан кафолатланиши белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Мол-мулк солиғини тўловчилар, солиқ солиш обьекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари, шунингдек солиқ бўйича имтиёзлар кўзда тутилган<sup>4</sup>.

Юртимизда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тушумлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинлиги, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ тушумлари эса Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга ҳақли эканлиги назарда тутилган<sup>5</sup>.

Жорий йил 1 январдан Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ мол-мулк солиғи маъмуриятчилигининг айrim масалалари такомиллаштирилди<sup>6</sup>.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада статистик маълумотларни гурухлаш, қиёслаш, солиштирма таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Шунингдек мол-мулк солиғи бўйича маъмуриятчиликни ташкил этиш юзасидан амалдаги қонунчилик нормалари бўйича айrim масалалар таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар.**

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги 152-ХII-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгариш ва кўшимишчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

Мамлакатимизда амалда бўлган қонун-хужжатлари ўрганилиб таҳлил қилинганда юртимизда мулқдан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингани, хусусий мулк дахлсизлиги қонунчилик билан кафолатланиши белгилаб қўйилганлиги маълум бўлди.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонун ўрганилганда мулкчилик муносабатларига оид умумий қоидалар, хусусий мулк, давлат мулки ва аралаш мулк, мулкий ҳуқуқнинг кафолати ва ҳимоя қилиниши билан боғлиқ муносабатлар назарда тутилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўрганилган ҳолда таҳлил қилинганда мол-мулк солиғини тўловчилар, солиқ солиш обьекти ва базаси ҳамда уни аниқлаш тартиби, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилгани ва ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлангани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан 2024 йил учун Қорақалпогистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш орқали мол-мулк солиғи тушумларининг тақсимланиши тўғрисидаги қоидалар тартибга солингани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий ўйналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда мол-мулк солиғининг жорий йил учун ставкаларига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда мазкур солиқ тури бўйича айrim тадбиркорлик субъектларига солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига хос айrim қоидалари белгилангани маълум бўлди.

### **Холоса ва таклифлар.**

Олиб борилган ўрганишлар ва таҳдиллар натижасида мол-мулкни ҳисобга олиш ҳамда солиқ маъмуриятчилиги тизимининг айrim жиҳатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган холосага келинди.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун-хужжатлари ўрганилганда бошқа барча табиий ресурслар каби мулқдан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингани, хусусий мулк дахлсизлиги қонун билан кафолатлангани маълум бўлди.

Юртимизда тадбиркорлар ҳамда фуқароларда мол-мулқдан унумли фойдаланиш кўникмаларини ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу ўйналишда юқори натижаларга эришиш давлат ва жамият манфаатларига бирдек ижобий хизмат қилиши билан аҳамиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ўрганилганда мол-мулк солиғи бўйича кўзда тутилган солиқ имтиёzlари ва бошқа солиқ маъмуриятчилигини тартибга солишга оид айrim қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган

ўзгартериш ҳамда қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деган хуносага келинди.

Мол-мулк солиги маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўйидаги йўналишлар ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

ушбу йўналишдаги онлайн хизматларни янада кенгайтириш;

кадастр баҳолашни такомиллаштириш, яъни мулк қийматини аниқроқ баҳолаш усулларини жорий этиши;

мулк обьектлари ҳақидаги маълумотларни доимий янгилашибориши;

солиқ ставкаларини оптималлаштириш, яъни худудлар ва мулк турлари бўйича ставкаларни қайта кўриб чиқиши;

солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш, яъни имтиёзларни янада мақсадли тарзда жорий этиши.

Бизнингча, юқоридаги таклиф ва мулоҳазаларнинг кўриб қилиши тизимни янада адолатли ва самарали ташкил қилишга хизмат қилиши мумкин.

Фикримизча мол-мулк солиги бўйича солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик субъектлари ва жамият манфаатларига бирдек хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги 152-ХII-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
4. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
5. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3221, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

